


ФУНКЦИОНАЛ САВОДСИЗЛИК

Сиз билан функционал саводсизлик ҳақида гаплашамиз. Сухбатимиз аввалида ўнинчи синф ўқувчиларидан бирининг Л.Бунюэл (1972) томонидан яратилган “Буржуазиянинг оддий жозибаси” фильмига ёзган тақриздан парча келтиришдан бошласак. У шундай ифодаланади:

“Биз томошабинларга ҳамма нарсани тушунтириб берганлари учун режиссёрларга катта пул тўлашади. Ҳаммаси тушунарли эканлигини ўйлашимиз шарт эмас, аммо биз режиссёрнинг нима демоқчи эканлигини қаердан биламиз? Сен унинг учун ўйланма, балки у ҳеч нарсани назарда тутмагандир,... Жонга тегди. Жуда ақллилик қилишган...”



Дастлаб, функционал саводсизлик ҳақида бош қотириш Ғарбда ўтган асрнинг тахминан 80-йилларида бошланди. Муаммо шунда эдики, ёппасига саводхон кишиларнинг барчасини ақлли деб бўлмасди, бу, айниқса, касбий салоҳиятни борган сари ёмонлаша боришида яққол кўзга ташланарди. Олиб борилган бир қанча тадқиқотлар одамларнинг расман тўғри ўқиб, ёзишларига қарамасдан, ўқиган китоблари ёки қоидаларнинг моҳиятини тушунмасликларини, матнни мантиқ билан ёзолмасликларини кўрсатди.

Функционал саводсизликдан азият чекадиган кишилар сўзларни тушунадилар, аммо унинг бадиий ёки техник моҳиятини, фаолиятини фарқлаб ифода этолмайдилар. Шунинг учун ўқувсиз ўқувчилар ва томошабинлар нотўғри ва энг қўпол оммавий маданиятни тан оладилар. Айрим тадқиқотчилар функционал саводсизликни хотира, эътибор ва фикрлаш механизмларининг ҳаддан зиёд бузилишига қараб, ҳатто оддий саводсизликдан кўра ҳам ёмон деб ҳисоблайдилар. Хабашистонлик хабашга илмий ақл билан таълим берилса, ундан ақлли одам чиқиши мумкин. Чунки унинг бошида англаш ва фикрлаш жараёнлари айнан (адекват) кечади.

Ривожланган Ғарб давлатлари функционал саводсизликнинг пайдо бўлишида дастлабки қадамлар ушбу давлатларнинг ахборий жамиятга ўтиш даврида ташланди. Нотаниш муҳитга тез мослашиш кўникмаси ва иқтидор индивид ижтимоий ўсишининг мезони бўлди. МИТда (агар ёдингизда бўлса Гордон Фриманнинг ўзи ўқиган) икки шкаланинг ҳаракатига қараб

ходимнинг бозор нархи жадвали яратилди. Биринчи – оддий токат, чидам, кайта яратиш, фаолиятни такрорлаш ва эски қарор. Иккинчиси эса – тайёр алгоритмга эга бўлмасдан туриб, мураккаб операцияларни бажаришни уддалаш. Агар инсон вазифаларни ҳал қилишнинг янги йўллари топа олиш қобилиятига эга бўлса, агар у бор манбаларга асосланиб ишловчи моделни ярата олса, у функционал саводхон ҳисобланади. Функционал саводсизлар одатда кассир ёки қоровуллик юмушларига лаёқатли бўлиб, уни ҳам назорат остида бажаришлари мумкин. Улар янгиликка, яратувчанлик фаолиятига мойил эмаслар.

1985 йили АҚШ бўйича тайёрланган таҳлилларга кўра, 23 миллиондан 30 миллионгача америкалик умуман саводсиз бўлиб чиққан. 35 миллиондан 54 миллионгача киши ўқиш кўникмаларига эга бўлган ва паст кўрсаткичда бўлса ҳам ёза оладиган – ярим саводхонларни ташкил қилиб, улар “кундалик ҳаётнинг жавобгарлигини уддалай оладиган”ларга нисбатан зарурроқ экан. 2003 йилга келиб АҚШ фуқароларининг ёзиш ва ўқиш кўникмаси минимум кўрсаткичдан ҳам пастроқ – 43 фоизни, яъни 121 млн кишини ташкил этган.

Германияда, таълим масалалари бўйича сенатор Сандра Шеерес берган маълумотларга ишонадиган бўлсак, 7,5 миллион нафар кишини (катта ёшли аҳолининг 14 фоизи) саводи паст дейиш мумкин. Фақат Берлин шаҳрининг ўзида 320 000 нафар шундай одамлар яшайди.

2006 йилда Британия таълим вазирлиги бўлимининг хабарига кўра, мактаб ўқувчиларининг 47 фоизи математикадан ва 42 фоизи инглиз тилидан ҳали базавий билим даражасини эгалламай, 16 ёшда ўқишни ташлаганлар. Ҳар йили Британия ўрта мактаблари 100 000 нафар саводсиз битирувчиларни ҳаётга кузатади.

Империалистларнинг устидан кулиб бўлдик. Энди ўзимиздаги ҳолатга эътибор қаратамиз. 2003 йилда биздаги мактаблардан (менимча, 15 ёшгача бўлганлар ўртасида) шунга ўхшаш статистика олинган. Унга кўра, талаб даражасидаги ўқиш кўникмасига эга бўлган ўқувчилар 36 фоизни ташкил қилади. Улардан 25 фоизи ўртача мураккабликдаги вазифаларни, масалан, ахборотни тушуниш, ноаниқ кўринишдаги турли матн парчаларидан ўрин олган ахборотни ўзининг ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, бир матнга умумлаштириш қобилиятига эга. Юқори даражадаги ўқиш саводхонлиги: мураккаб матнларни тушуниш, тақдим этилган ахборотни танқидий баҳолаш, хулоса ва башоратларни шакллантириш, тақдим қила олиш қобилияти россиялик ўқувчиларнинг фақат 2 фоизидагина кузатилди.

Функционал саводсизлик, табиийки фақат болаликда шаклланмайди. У эскича бир хил яшашга кўниккан катта одамда ҳам юзага келиши мумкин. Агар катталар ва қариялар кундалик ҳаётда мунтазам фойдаланмасалар, ўқиш

ва фикрлаш кўникмасини унута бошлайдилар. Биз ахир мактаб ва университетда миллион нарсаларни ўрганамиз. Бироқ айтайлик, кимёни мен умуман эслай олмайман, математикани ҳаминқадар биламан, қўл остимда википедиа бўлмаса, тарих ҳақида гапириш умуман уятли. Бахтимга улкан илмий мазмундаги матнлардан кичик оддий сўзларни тузишни ҳали унутганимча йўқ.

Биз функционал саводсизлар дунёсида яшаётганимизни тан олишимиз керак. Мен бу дунё улар учун яратилган дейишни хоҳламайман, аммо кўп жиҳатдан у шундайлар учун яратилган.

Хуллас буларнинг ҳаммаси зерикарли. Келинг, яхшиси айнан функционал саводсизликнинг энг асосий белгилари ва ўзига хослигини амалда ўрганиш билан машғул бўлиб кўрайлик.

1) функционал саводсизлар битта хатони доимий равишда такрорлаш, нисбатан қийин масалаларни ҳал қила олиш мотивациясига эга эмасликлари, барбод бўлишига олдиндан ишониш туфайли мураккаб вазифаларни бажаришдан қочадилар;

2) бундай одамлар тез-тез ҳали чарчагани, ҳали бандлиги, ҳали шамоллаганини рўқач қилиб, ҳар қандай ақлий вазифаларини ўзларидан соқит этишга ҳаракат қиладилар.

3) ўқишни ёқтирмасликларини очик тан оладилар;

4) масаланинг ечими ёки матннинг моҳиятини тушунтириб беришни бошқалардан сўрайдилар;

5) мутолаа қилишга кўпинча хоҳишнинг йўқлиги ва асардаги воқеа ёлғон деган тасвурнинг мавжудлиги учунми, мутолаа жараёнида: дарров одамнинг ётгиси келиши, кўз ёки бошнинг оғриб қолиши ёки бошқа муҳимроқ нарсаларга чалғиш каби психосемантик муаммолар пайдо бўлади;

6) кўпинча овоз чиқариб ўқиш пайтида ёки ҳатто лабларнинг (артикуляция) ҳаракатида бизнинг функционал саводсизлигимиз кўзга ташланиб қолади.

7) ҳар қандай амалий ишларни бажариш жараёнида: шейпинг машқаларидан тортиб, ядро реакторини таъмирлашгача бўлган фаолиятда инсон мураккабликларга дуч келади.;

8) ўқиган материаллари бўйича саволлар тузиш ва беришни билмаслик туфайли баҳс-мунозараларда тўлақонли қатнаша олмайдилар;

9) мутолаадан тушуниш билан эшитиш орқали тушуниш орасидаги тафовут жуда сезиларли.

10) ўзи англаб етмаганлиги сабабли пайдо бўлган муаммога ёд бўлиб кетган чорасизлик ёки атрофдагиларга босим ўтказиш йўли билан муносабат

билдириш натижасида ким ҳақ-у, ким ноҳақ эканлигини охиригача тушуниб етмайди.

Кўшимча мураккаблик шундаки, ўқиш ва ёзиш кўникмаси қандайдир ахборий мазмунни тўғридан-тўғри яратиш кўникмаси билан боғлиқ. Зотан, атаманинг умумий тушунчасига нисбатан ҳам ижодий ёндашув зарур.

Юқоридан функционал саводсиз кишилар дунёсида яшаётганимизни тан олишимиз кераклигини таъкидлагандик. Аммо бу дунё улар учун яратилган дейишни хоҳламасакда, афсуски кўп жиҳатдан у шундайлар учун яратилган. Мен буни деярли ҳар ерда кўраман, барчаси илк яратилган ҳолати, болаларча оддийлик ва тобелик кўринишига қараб кетмоқда. Рекламада, 140 сўздан иборат Твиттерда, матбуотнинг савиясида, адабиётнинг савиясида. Томас Манн, Лакан ёки Хайдеггердан парчани бирор кишига таклиф қилиб кўрингчи? Ўқий оладиган, айниқса, жиддий таҳлилий мақола ёзишни биладиганлар фоиз ўлчовида жуда камчиликни ташкил этади.

Афсуски, бу касаллик медиасоҳани ҳам четлаб ўтмаганини кўриб ҳайрон қолдим: яхши ёзадиган журналистлар олтинга тенг ва улар тез муҳаррирларга айланишяпти. Чунки уларнинг деярли рақобатчилари йўқ.

Деградация (таназзулга юз тутиш, йўқ бўлиб кетиш) биринчи навбатда сўз билан боғлиқ барча соҳалар фаолиятига таъсир кўрсатди. Агар аввал оммани бемаъза дид ажратиб турган бўлса, ҳозир шу чайналган бемаъзаликни, тайёргина қошиқда, тушунарли қилиб тақдим қилиш керак.



Айтмоқчи, Literacy in the Adult Client Population — Jones & Bartlett Publishers тадқиқотларида В2 С-сегментида, яъни амалдаги функционал саводсиз кишиларга матнни қандай ёзиш бўйича тавсиялар келтирилган. Унга кўра, аксарият реклама ёзишмалари ана шу қонуниятлар бўйича расмийлаштирилиб, матнни тўғридан-тўғри кўчириш бўйича маслаҳатларга амал қилади. Буни сизлар билан баҳам кўраман:

1) “Сен кўнгилли бўлиб ёзилдингми” мазмундаги тўғридан-тўғри мурожаатдан кўра, матнни мавҳум ва бедаводан ёмонроқ қабул қилиш одатга айланган. Манзилли хабарни янада ривожланганроқ, шахсийроқ қилиб тузиш керак. Бу саводсиз аудитория билан ишлашдаги энг долзарб ва самарали қоида ҳисобланади. Бунга сиз қўшиласиз, шундай эмасми?

2) Имкон қадар 3-4 феълдан ошмаган, кундалик сўзлашув луғатидан фойдаланиш керак. Немис тилига хос узун, мураккаб таркибли сўзлар керак эмас. Тиббий ва техник атамаларга хос бўлган илмий сўзлардан (барибир

бизнинг дискурса уни тушиниб бўлмайди) қочиш зарур. Иложи бўлса, мутолаада семантикага хос бўлган ранг-баранг сўзлардан ҳам қочиш лозим. Қанчалик тез ва баъзан бўлишини билиш муҳим бўлган одамлар учун “тез орада”, “баъзан”, “кўпинча” сингари равишларни қўлламаслик керак.

3) “ва ҳ.з” сингари ва бошқа аббревиатурларни “ва ҳоказо” тарзида тўлиқ берган маъқул. Матнда исмларни Н. В. тарзида умуман ёзмаслик керак.

4) Ахборотни чиройли блок кўринишида жойлаш керак. Матнни чойшабдай бериш ўрнига кўпроқ хатбошига ажратиш лозим. Одатда, бундай одамлар қоидага кўра, рақамлар ва статистикани ёйиб беришни режалаштирмайдилар.

5) Гаплар 20 та сўздан ошмагани маъқул. Сарлавҳалар ҳам қисқа ва лўнда бўлиши лозим.

6) Матнингизни синонимлари билан ранг-баранг қилишни хоҳлайсизми? Афсус. Шундай ўқувчилар борки, матндаги янги сўзлардан фақат чалкашадилар. Агар сиз матннинг бошида “машина” деб берган бўлсангиз, кейинги ўринда у бирданига “автомобил”га айланиб қолмаслиги керак.

7) Энг муҳим ахборот мақоланинг бошида, киришида акс этади, гарчанд таваккал қанчалик катта бўлса ҳам, ҳатто ўқувчи охиригача етиб борса ҳам, унинг саломатлиги ва қабул қилиши аввалгидай бўлмаслиги эҳтимоли юқори.

8) Бошдан-охир қора рангдан иборат матн билан ўқувчини кўрқитиб қўймаслик мақсадида, матнга долзарб муаммолар, суратлар, иқтибосларни қўйиш мақсадга мувофиқдир.

9) Суратларга эҳтиётлик билан ёндашиш зарур. Ўзига тортадиган ҳеч қандай ортикча иллюстрациялар, декоратив белгилар бўлмаслиги лозим. Ваҳоланки, бундай аудиторияга мўлжалланган социал рекламаларда, айтилишче чекаётган ҳомиладор аёллар ёки расталар тагида кўзи кўкарган мастларнинг суратларини бериш тавсия қилинмайди. Сиз аудиториядан нимани кутсангиз, шуни кўрсатишингиз керак.

Агар бундан қирқ йил олдин олимлар функционал саводсизликка қарши курашиш йўллари устида бош қотирган бўлсалар, ҳозир эса улар билан ўзаро фаолиятга киришиш усуллари қидирмоқдалар. Ташхис қанчалар умумий аҳамият касб этди.

Функционал саводсизликнинг қандай сабаблари бор? Бу борада олимларнинг фикрлари турлича, аммо шахсан мен булар инсонни ҳар томондан қуршаган ахборот оқимларининг таъсири туфайли, деб ўйлайман. Функционал саводсизлик феномени, тахминан, 60-70 йилларда, рангли

телевидениенинг пайдо бўлиши ва оммавийлашуви даври билан боғлиқ. Бунда икки-уч йил аввал Франция тадқиқотчилари томонидан бир неча соатни телевизор қаршисида ўтказган бир ёшдан уч ёшгача бола, ўзининг когнитив функцияларини бой беришини исботлаган яхши бир тадқиқотни ўқигандим. Таниш педагог ва болалар шифокорлардан сўраганимда, улар бир овозда 2000 йилдан кейин туғилган болаларнинг ҳаммаси СДВГдан азият чекишларини, яъни ўрганишни, мўлжални, ўқишни билмасликларини айтишган. Бир пайтнинг ўзида уларда ижтимоий мослаша олмасликнинг ўсиб бориши ҳам кузатилади. Болаларга жонли мулоқотдан кўра, бир-бири билан тармоқлар орқали ёзишиш бирмунча осон ва қулай. Масалан, Японияда ўзининг шахсий хонасидан чиқмай туриб мулоқотга киришиш, хикки ва геймерлар маданияти шаклланиб бўлган. Бундай ҳолат бизни ҳам кутмоқда.

Лоақал матн билан ишлашни билмайдиган болалар бир пайтнинг ўзида, ҳамма нарса матнда акс этадиган ижтимоий тармоқларга ёпишиб қолишган дейиш, ноодатий эшитилишини тушунаман. Яхшиси, уларнинг хабарлари савиясига қаранг. Тармоқларда контентни бир неча ташаббускорлар бошқаради, тўғри, бошқа юзлаб тижорат брендлари бор, қолгани ёппасига қайтарилган мулоҳазалар. Шу ўринда инсон нимани қайта пост қилишининг аҳамияти йўқ – у хоҳ мушукча ҳақида бўлсин ёки Бодрияр ҳақида – барчаси функционал саводсизликнинг бирор ифодасидир.

Салоҳиятли кишилар етишиб чиқишини мактаб таълими ҳар доим ҳам таъминламаслиги умумий саводхонликни белгилашдаги асосий факт ҳисобланади. Бироқ, биргина коммуникациянинг янги каналларини кенг ёйилиши, муаммони бартараф қилиш имконсиз эканлигини кўрсатди. Бунда айнан телевидениени, кейин эса компьютерлаштириш, рақамли медиани айбдор деб ҳисоблайман. Радио ҳам – мураккаб нарса. Биргина янгиликларни овоз орқали қабул қилиш ёки Рузвельтнинг “Камин ёнида суҳбат”ини эшитиш учун диққатни жамлаш керак. Телевидение ахборотнинг ҳеч қандай куч ва таҳлилни талаб қилмайдиган биринчи манбага айланган. Расмнинг суҳандон нутқи билан алмашиши, тасвир, кадрнинг тез-тез ўзгариши, декорация – томошабиннинг экрандан узилишига ва зерикишига имкон бермайди.

Дастлаб тармоқлар яратилган, Интернет пайдо бўлган ўша даврларда ақлли матнлар билан тўла эди. Тармоқларнинг оммавийлашиб бориши билан, унга фан ва малакали меҳнатдан узоқ одамлар кира бошладилар. Ҳозир аксарият юзерлар тармоқдан ўзларига керакли нарсани топиш учун “porn” ёки “flashgames” кабига ўхшаш бир неча сўзни билса бўлди. Бир зумда мунажжимлар башорати ёки латифалар саҳифасидан янгиликлар саҳифасига, кейин youtube ёки “Қувноқ ферма”га ўтиш мумкин. Худди ТВ каналларига

ўтиш сингари. Мен улғайган пайтларда, ўйинлар билан машғул бўлиш учун бирмунча вақт ва куч сарфлашга тўғри келарди. Ўйинлардан анча-мунча нарсани ўрганиш мумкин эди.



Нима учун Стив Жобс ва Билл Гейтс ўзларининг болаларидан электрон гаджетларни олиб қўйганлар? Уйдаги компьютер девайсларига бир кунда икки соатдан ошиқ ишлаш мумкин бўлмаган паролни қўйган Крис Андерсон ҳикоя қилади: *«Болаларим мени ва рафиқамни технологияларга нисбатан ҳаддан зиёд фашистларча муносабатда бўлишимизда айблайдилар. Уларнинг айтишларича, дўстларидан ҳеч бирининг оиласида бундай чеклов йўқ экан. Чунки мен интернет хавфини ҳаддан зиёд ортиб бораётгани ўз кўзим билан кўряпман. Бундай муаммога ўзим тўқнаш келганим учун, худди шу муаммо болаларимда ҳам бўлишини истамайман.*

Аслида, бу инсонлар янги технологияларнинг барча имкониятларини илоҳийлаштиришлари керак эди.

Реклама ва SMM маркетинг бўлимларига истеъмолчилар керак. Функционал саводсизлардан кўра ким яхши истеъмолчи бўлиши мумкин? Майли, бу одамларда кам даромад бўлса ҳам, қуйи IQ кўрсаткич ҳисобига, бу легион манипуляция таъсирига осон тушадилар.

Ҳаққоний ёндашадиган бўлсак, шу пайтгача жамиятда муайян ахборий маданият ишлаб чиқилмади. Аксинча, йилдан йилга аҳвол ёмонлашиб, тижоратга мўлжалланган тузулма ахборот маконини эгалламоқда. Масалан, олинган кредит қарздорларининг аксарияти ўз бюджетидан тўловни яхши ҳисобловмайдиган, банк шартномаларини тўғри ўқиш имконига эга бўлмаган одамлардир.

Қашшоқлик қашшоқликни чақиради. Бу интеллектуал соҳага ҳам тегишли. Мен кўпинча, ёш ота-оналарнинг ўз боласидан ярим соат ҳоли бўлиш учун, унинг қўлига ўйинлари билан планшетни бериб қўйишларини кўриб ҳайрон қоламан. Яна денг, бир ярим, икки ёшли болага. Шахсан ўзим ўйнашни ва телевизор қаршисида ўтиришни беш-олти ёшимда, қачонки онгимда ахборотдан ҳимояланиш шаклланиб бўлганда бошлаганман. Рекламадаги чиқиндилар ва экрандаги ҳар қандай образга танқидий ёндашардим. Мен бир неча соат диққатимни битта китобни ўқишга жалб қила олардим. Зеро, қониқиш ҳосил қилиш ёки салбий қувватни чиқариш мақсадида ахборот оқимига эрта рухсат бериш фикрлаш қобилятининг ва ҳаракат фаолиятнинг йўқолиб кетишига олиб келади.

Сиз, хойнахой дунёда бой ва кашшоқлар ўртасидаги тафовутнинг ортиб бораётганини сезгандирсиз. Яқин орада 10 фоиз одам нафақат 90 фоиз бойликка, балки 90 фоиз интеллектуал қувватга ҳам эга бўлади. Таовфут кенгаймоқда. Кимлардир борган сари ақлли бўлиб, чексиз ахборот оқимини осонгина жиловласалар, бошқалар қарзга ботган, чорасиз маҳлуқларга айланиб бормоқдалар. Энг қизиғи, улар мутлақо ўз хоҳишлари билан шу кўйга тушмоқдалар. Ҳатто бу ҳақда кимга шикоят қилишни ҳам билмайсан. Қашшоқлик билан функционал саводсизликни боғловчи яққол алоқа йўқ. Ота-оналарнинг тарбияси ва таъсири бу ерда, кўпроқ аҳамиятга эга. Шунингдек, уларнинг ўзи ҳам аслида функционал саводсизлардир.

Луначарскийни эслайсизми? У саводсизликнинг ҳар қандай турига қарши энг яхши рецептни очгандир, балки. Бир мажлисда Анатолий Васильевичдан бир ишчи сўрабди:

— Ўртоқ Луначарский, мана сиз жуда ақлисиз. Сиздай бўлиш учун нечта институтни тамомлаш керак?

— Бор-йўғи учта, – деб жавоб берди у, – Биттасини сизнинг бобонгиз тугатиши керак, иккинчиси – отангиз, учинчисини – сиз.

Манба: <http://syg.ma/@daria-sokolghorskaya/funktsionalnaia-nieghramotnost>

***P.S.** Ҳурматли ўқувчи! Ушбу мақолани таржима қилиб, эътиборингизга ҳавола этишдан мақсад, унда кўтарилган муаммонинг долзарблигидир. Чиндан ҳам сўнгги пайтларда саводхонлик масаласи нафақат тилишуносларни, балки бутун илм аҳлини ташвишга солмоқда. Шу боис, ушбу мақолада кўтарилган масаланинг муҳимлигини ҳисобга олиб, унинг тили, услуби ва матндаги бошқа камчиликлардан (матнда такрорларнинг борлиги, айрим ўринларда муаллифнинг масалага бир томонлама ёндашгани) кўз юмдик. Мақсадимиз илмий жамоатчилик эътиборини, айниқса ОТМ таълим берадиган профессор-ўқитувчилар диққатини ушбу масалага қаратиш орқали муаммога тўғри ечим топишга ундашдир.*

Назира Тошпўлатова
таржимаси.